


**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI OLIY VA ЎRTA MAHSUS TABLIM
VAZIRLIGI
MINISTERTVO VYSHEGO I SREDNEGO SPECIALNOGO
OBRAZOVANIYA RESPUBLIKI UZBEKISTAN**

**TASHKENTSKIY GOSUDARSTVENNIY EKONOMICHESKIY
UNIVERSITET**

TOHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI



**ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
МЕНЕЖМЕНТ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ АҲАМИЯТИ**

халқаро илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами

**Ўзбекистон, Тошкент ш.,
2020 йил 20 май**

3-ШЎБА

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТНИНГ АСОСИ

*К.Б. Ахмеджанов, и.ф.д, профессор
ТДИУ проректори,
А.Х. Холов, PhD, доцент,
ДБА*

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бугунги кунда иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш масаласи Ўзбекистонда давлат даражасига кўтарилган бўлиб, бу борада кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, электрон ҳужжат айланиши тизимлари жорий этилмоқда, электрон тўловлар ривожлантирилмоқда ва электрон тижорат соҳасида яратилган норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда. Шу билан бирга, ахборот-технологик платформаларда фаолият кўрсатаётган рақамли иқтисодиёт жадал ривожланмоқда. Бу эса шундай платформаларнинг янги моделларини яратиш заруратини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “2020 йил - Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт” йили деб эълон қилинди. Юртбошимиз Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бўйича қуйидагиларни айтиб ўтдилар: “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда”⁸³.

Ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт тушунчаси бир қатор мамлакатларнинг иқтисодий назарияси ва амалиётида пайдо бўлди. Бу рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, ахборот соҳасида инқилоб ва иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнларини тезлаштириш билан ажралиб турди. Улардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб бораётган билимга айлантирилди ва иқтисодий-ижтимоий алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни соддалаштириш ва рағбатлантириш ва ушбу соҳани янада жадаллаштириш мақсадида республикамиз раҳбарияти томонидан бир қанча қарорлар қабул қилинди.

⁸³<https://lex.uz/docs/-3806053>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли қарорида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар белгилаб берилган¹. ПҚ-3832-сонли қарорда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар деб қуйидагилар белгиланган:

-инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари диверсификация қилиш учун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан майнинг (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият), смарт-контракт (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шаклдаги шартнома), консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фандинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек, «блокчейн» технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш;

-«блокчейн» технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш соҳасида замонавий АКТдан фойдаланган ҳолда амалий иш кўникмаларига эга малакали кадрларни тайёрлаш;

-крипто-активлар бўйича фаолият ва «блокчейн» технологиялари соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, рақамли иқтисодиётда лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун «блокчейн» технологияларини ишлаб чиқиш соҳасида фаолият кўрсатадиган юқори малакали хорижлик мутахассисларни жалб қилиш;

-хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда «блокчейн» технологияларини жорий этиш учун зарур ҳуқуқий базани яратиш;

-рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш¹.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида, рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Мазкур қарорга асосан, инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари диверсификация қилиш учун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан майнинг (турли криптовалюталарда янги

⁸⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли қарори

⁸⁵Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. – Т.: ТМИ, Иқтисод-Молия 2019 й. 7-б.

бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият), смарт-контракт (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шаклдаги шартнома), консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фандинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек, «блокчейн» технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш; «блокчейн» технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш.

Юқорида кўрсатилган ғоялардан келиб чиққан ҳолда, мазкур мавзунинг долзарб эканлигини асослаш мумкин. Иқтисодиёт ва жамиятнинг “рақамлаштириш” жараёни (инглиз тилида-digitalization яъни, рақамлаштириш, баъзан эса digitization, яъни рақамлаштирилиши маъносини билдиради.) ҳақида гапирганда, биринчи ўринда, терминологияга аниқлик киритиш керак. “Рақамлаштириш” жараёни одатда рақамли технологияларни кенг қўллаш ва ассимиляция (лот. assimilatio – бириктириш, ўзлаштириш, ўхшатиш) қилиш ташаббуси билан бошланган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришни англатади.

Рақамли иқтисодиёт – бу жамият неъматларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида электрон ҳамда ахборот коммуникацион технологияларини кенг жорий этишни кўзда тутадиган инсоннинг ҳўжалик фаолиятини тадқиқ этувчи фандир¹.

Рақамли иқтисодиёт атамаси икки хил турли тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Биринчидан, рақамли иқтисодиёт-бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт-бу ўзига хос назария бўлиб, унинг ўрганиш объекти, ахборотлашган жамият ҳисобланади.

1995 йилда америкалик дастурчи Николос Негропonte “Рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирги кунга келиб терминни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, тадбиркорлар, деярли барча соҳа вакиллари қўлламоқдалар. Рақамли иқтисодиёт назарияси ўз ривожланишининг бошланғич давридадир, чунки цивилизациянинг рақамли ахборот босқичига ўтиши бир неча ўн йил аввалгина бошланган.

“Рақамли иқтисодиёт” атамаси илмий амалиётга испаниялик ва америкалик социолог, ахборотлашган жамиятнинг етакчи тадқиқотчиси Мануел Кастелс ўзининг “Ахборот даври: иқтисод, жамият ва маданият” номли уч жилдли монографиясини чоп этган. Ҳозирги вақтга келиб, рақамли иқтисодиёт назарияси бутунлигича ҳали шаклланмаган ва иқтисодчилар томонидан ўрганилмоқда. Илмий адабиётларда ҳозирги замон “Янги рақамли иқтисодиёти” турли хил атамалар билан номланган.

Мисол учун, “постиндустриал иқтисодиёт” (Д.Белл), “ахборотлашган иқтисодиёт” (О.Тоффлер), “мегаиқтисодиёт” (В.Кувалдин), “ахборот ва алоқага

⁸⁶Гулямов С.С., Аюпов Р.Ҳ., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, Иқтисод-Молия 2019 йил 8-9 бет

асосланган иқтисодиёт” (И.Нинилуто), “техноиктисодиёт ёки рақамли иқтисодиёт” (Б.Гейтс), “билимларга асосланган иқтисодиёт” (Д.Тапскотт). Ушбу тушунчаларни боғлаб турадиган омил – бу иқтисодий жараёнларнинг глобаллашув жараёнида ахборот технологияларининг бирламчи ўринни эгаллаши бўлиб ҳисобланади¹.

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилда вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари тўғрисида” 2019 йил 27 февралдаги Ф-5445-сонли фармойишида белгилаб берилган Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари бажарилишини таъминлаш бўйича 2019 йилда қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан,

Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича 237 та объектда магистрал телекоммуникация тармоқлари кенгайтирилиб, ўтказувчанлик қобилияти вилоятлараро даражада 200 Гбит/с.га, туманлараро даражада 40 Гбит/с.га етказилди;

Ахборот технологияларини ривожлантириш йўналиши бўйича Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш виртуал қабулхонаси “business.gov.uz” портали ишга туширилди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишишнинг ягона электрон тизими “project.gov.uz” жорий этилди. Шунингдек, сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими ҳамда Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилиб, 2019 йилнинг 22 декабрь куни мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда ҳамда жорий йил 5 январь куни 25 та сайлов округида бўлиб ўтган такрорий овоз бериш жараёнларида муваффақиятли қўлланилди.

Почта алоқаси тизимини ривожлантириш йўналиши бўйича “Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан “Ўзбекистон почтаси” АЖда ахборот технологияларига асосланган 11 та янги қўшимча хизмат турлари йўлга қўйилди, 100 та давлат билан халқаро почта жўнатмаларининг алмашинуви амалга оширилди.

АКТ соҳасида таълимни ривожлантириш йўналишида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг ҳудудий филиаллари 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб замонавий таълимнинг кредит тизимига ўтказилди. Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 та ташаббуснинг учинчи ташаббуси доирасида республика бўйича 22 та Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилди¹.

⁸⁷ Садиков Ш.М. Рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш, инсон фаолиятининг барча соҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш, иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқариш ва бошқариш тизимларини автоматлаштиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг долзарб вазифалари. // Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотномаси. –Т.: 2020.

⁸⁸ Садиков Ш.М. Рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш, инсон фаолиятининг барча соҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш, иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқариш ва бошқариш тизимларини автоматлаштиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг долзарб вазифалари. // Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотномаси. – Т., 2020.

Жамиятни ижтимоий ва иқтисодий ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида атроф-муҳит жамиятнинг институционал тузилишига хос хусусиятларини келтириб чиқармоқда ва бу асосда янги тушунчалар ва ёндашувларни шакллантиришга зарурат туғдиради. Ҳозирги вақтда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида “Рақамли Ўзбекистон -2030” дастурини қабул қилиш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда 2020 йилда рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидаги ислохотларни амалга оширилишини алоҳида таъкидлаш лозим:

Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида 12 минг км оптик толали алоқа линияларини қуриб, уларнинг умумий узунлигини 48,6 минг км. га етказиш, бунда олис қишлоқ аҳоли масканлари ва ижтимоий инфратузилма объектларига алоҳида эътибор қаратиш.

Жами 2 200 та мобиль алоқа база станцияларини ишга тушириб ва модернизация қилиб, уларнинг сонини 28,2 мингтага етказиш орқали аҳоли яшаш масканларининг 98 фоизини мобиль алоқа тармоқлари билан қамраб олиш;

АКТни ривожлантириш йўналишида Ўзбекистон Республикасида 2025 йилгача рақамли иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2020-2022 йилларда электрон тижоратни ривожлантириш Дастурини ишлаб чиқиш. Шунингдек, рақамли технологиялар ўқув марказлари сонини 80 тагача етказиш натижасида 15 минг нафар аҳоли ва ёшларнинг малакасини оширилишини ҳамда қўшимча 200 дан ортиқ иш ўринларини яратилишини таъминлаймиз.

Почта алоқасини ривожлантириш йўналишида электрон тижорат майдончаларидан харид қилинган товарларни почта жўнатмалари орқали етказиб бериш хизматини ривожлантириш, почта алоқаси тармоғини кенгайтириш орқали почта хизматлари сифатини яхшилаш ва аҳолига яқинлаштириш, шу жумладан, қўшимча 50 та почта алоқаси объектлари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда почта алоқаси ва бошқа қўшимча почта хизматларидан олинadиган даромад ҳажминини 15 фоизга етказиш;

АКТ соҳасида таълим тизимини ривожлантириш йўналишида соҳа мутахассисларига бўлган талаб ошишини инобатга олган ҳолда on-line (масофавий) университет ташкил этиш, Тошкент шаҳридаги Инха университетида компьютер ва дастурий инжиниринг соҳасида магистратура босқичини ташкил этишдан иборат.

Халқаро ҳамкорлик йўналишида Ўзбекистон Республикаси Алоқа маъмурияти ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) Алоқа маъмуриятлари, Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик ташкилоти, Халқаро электралоқа иттифоқи ва Бутунжаҳон почта иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва уни янги поғонага кўтаришдан иборат¹.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий АКТдан фойдаланган ҳолда амалий иш кўникмаларига эга малакали кадрларни тайёрлаш; крипто-активлар бўйича

⁸⁹ Тадқиқотчи томонидан тузилган

фаолият ва «блокчейн» технологиялари соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, рақамли иқтисодиётда лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун «блокчейн» технологияларини ишлаб чиқиш соҳасида фаолият кўрсатадиган юқори малакали хорижлик мутахассисларни жалб қилиш; хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда «блокчейн» технологияларини жорий этиш учун зарур ҳуқуқий базани яратиш; рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлашдан иборат.

*Д.А. Абдиева,
докторант, ТИТЛП*

РАЗРАБОТКА СТРАТЕГИЙ МЕЖДУНАРОДНОГО МАРКЕТИНГА ШВЕЙНО-ТРИКОТАЖНОЙ ПРОДУКЦИИ

С обретением независимости Республики Узбекистан появилась возможность самостоятельно осуществлять и внешнеэкономическую деятельность. В республике были осуществлены широкомасштабные эффективные меры, направленные на стимулирование развития экспортного потенциала страны.

Главной стратегической целью Республики Узбекистан является формирование открытой рыночной экономики.

В принципах современного маркетинга особое внимание уделяется изучению рынка. На первый взгляд рынок кажется довольно простой системой, а на самом деле не так. Все элементы рынка находятся в постоянном движении. Поэтому не следует выходить на рынок, не изучая формирующиеся на нем отношения.

Прежде чем освоить рынок, фирмы обязательно исследуют его со всех сторон и находят перспективный для себя сегмент рынка. Не стоит рисковать, не имея в достаточной степени информацию о секретах рынка. Риск в коммерческой деятельности в условиях рыночной конкуренции считается довольно опасным.

Цель изучения рынка заключается в оценке его состояния, разработке перспектив развития, находке его сегмента, который в будущем давал бы большой эффект.

В процессах углубления экономических реформ в Республике Узбекистан и обеспечения открытости экономики актуальное значение приобретают повышение интеграции республики в мировую торговлю и разумности импорта, создание условий для обеспечения конкурентоспособности отечественных производителей на внешнем и внутреннем рынках. Несмотря на то, что проблемы внешнеторговой экономики изучались многими исследователями, все же достаточно не изучены вопросы использования в данной сфере принципов международного маркетинга.